

«Hilol Nashr» нашриётида Малайзиялик меҳмонлар



20:48 / 05.11.2024 990

2024 йил 5 ноябрь куни Малайзиянинг Перлис ислом университети коллежи ректори, профессор, доктор Муҳаммад Розайми ибн Рамле бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар юртимизга ташриф буюришди.

Меҳмонлар юртимиз бўйлаб зиёратлари давомида «**Hilol Nashr**» нашриёт-матбаасининг бош дўконига ҳам келдилар. Улар бу ерда диний- маърифий, адабий-бадий асарлар ҳамда фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** ҳазратларининг илмий мерослари билан яқиндан танишиб чиқдилар. Зиёратчиларга нашриёт раҳбари Исмоил домла Муҳаммад Содиқ ҳамроҳлик қилдилар. Меҳмонлар шайх ҳазратларининг ҳаёт йўллари, илмий мерослари ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар.

Азизларимиз юртимизда олиб борилаётган хайрли ислохотларга гувоҳ бўлиб, Аллоҳ таолодан юртимиз ва халқимиз ҳаққида дуолар қилдилар.

Хусусан, юртимизда масжидларга бўлган эътибор, масжидлар қурилишининг сони ортаётгани, халқимизнинг ихлоси, уларда Аллоҳнинг байтига бўлган муҳаббатни эътироф қилиб, ташаккурларини изҳор этдилар.